**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2018 йил 9 апрелдаги №472-сонли Ўзбекистон Республикаси "Давлат Танловлари тўғрисида"ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг "Танлов тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги" тартиби асосида ишлаб чиқилди

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Хизматда шартнома асосида фойдаланиш учун жалб килинадиган Нукус шахри Дарбент МФЙ ички йулларни жорий таъмирлаш 22 кичик тумани 1,2,3 марказий кучаси L-1826 км

1.2. Танлов охирги қиймати – 2 197 172 179 **(Икки миллиард бир юз туксон етти миллион бир юз етмиш икки минг бир юз етмиш туккиз )** сум ҚҚС билан. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ижарачи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 90 кун

1.5 Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Тахиатош ТЙФУК**, (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Узбекистон, Тахиатош тумани, Ш Рацидов 38 б

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Танлов комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов **Тахиатош ТЙФУК** биносида "Буюртмачи" томонидан тузилган Танлов комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа хужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат килишга ҳақлидирлар.

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
**Тахиатош тумани йўллардан фойдаланиш**
**унитар корхонаси бошлиги**

**_______________ У Джумабаев**

**«___» ________________ 2022й**

**БУЮРТМАЧИ:**

# Тахиатош ТЙФУК

# 2022 YILDA NUKUS SHAHRI "DARBENT MFY" ICHKI YO'LLARI VA KO'CHALARINI JORIY TA'MIRLASH 22 KICHIK TUMANI 1,2,3 MARKAZIY KUCHASI L-1826KM

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

**Тахиатагш тумани – 2022**